

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙМИРЗАЕВ ДИЛМУРОД НЕМАТОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ**  
**ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Наманган вилояти фермер хўжаликлари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**  
**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Баймирзаев Дилмурод Нематович**

Иқтисодий фаолиятда хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш  
(Наманган вилояти фермер хўжаликлари мисолида) ..... 3

**Баймирзаев Дилмурод Нематович**

Совершенствование системы управления рисками в экономической  
деятельности (на примере фермерских хозяйств Наманганской области).....27

**Baymirzaev Dilmurod Nematovich**

Improving the risk management system in economic activities (on the example of  
farms in the Namangan region).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙМИРЗАЕВ ДИЛМУРОД НЕМАТОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ**  
**ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Наманган вилояти фермер хўжаликлари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**  
**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**



## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда фан ва технологиялар юксак даражада тараққий этаётганига қарамай, иқтисодий фаолиятда хатарлар ўзининг таъсир даражасини сақлаб қолмоқда. Бугунги кунда табиий ва иқтисодий хатарларнинг кескинлашуви билан боғлиқ муаммолар глобал мазмун касб этиб, уларни тизимли бошқариш иқтисодиёт ривожининг муҳим шарт ҳисобланади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (The Food and Agriculture Organization) маълумотларига кўра, “ривожланаётган мамлакатларда табиий хатарлар туфайли юзага келадиган иқтисодий зарарларнинг қарийб 22 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги қурғоқчиликдан энг кўп зарар кўрадиган ягона тармоқдир. Ушбу тармоқ қурғоқчилик етказадиган иқтисодий зарарнинг ўртача 84 фоизини ўзлаштиради”<sup>1</sup> – деб таъкидланади. Шу боис, халқаро амалиётда иқтисодий хатарларни бошқаришнинг инновацион усул ва стратегияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда иқтисодий фаолиятда юзага келадиган хатарларни бошқариш ва улар таъсирини юмшатиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, айниқса масалага менежментнинг алоҳида категорияси сифатида ёндашилган ҳамда глобал иқлим ўзгариши, COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли юзага келган вазият, қишлоқ хўжалиги соҳасида хатарларнинг глобаллашуви, ностандарт иқтисодий шароит каби ўзгаришларни эътиборга олган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятига таъсир этувчи кўплаб турдаги хатарларни аниқлаш, самарали антихатар тадбирларини ишлаб чиқиш ва “стратегия-натижа” занжири асосида фаолият натижадорлигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларга устувор даражада эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш баробарида хатарларни бошқариш ва улар таъсирини юмшатиш масаласига долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. “... қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳа бошқарувида замонавий тизимларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталашнинг янги турларини жорий этиш”<sup>2</sup> устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Қишлоқ хўжалигида хатарларни бошқариш ва улар таъсирини пасайтирган ҳолда аграр тармоқни тараққий эттириш, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат экспорт салоҳиятини таъминлаш, фермер хўжаликлари фаолиятида хатарларни бошқариш асосида

<sup>1</sup> The impact of natural hazards and disasters on agriculture and food security and nutrition. Food and Agriculture Organization of the United Nations. 2015. [https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/a-i4434e\\_0.pdf](https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/a-i4434e_0.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5853/13955-сон, 24.10.2019 й. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

улар таъсирини минималлаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4643-сон “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4941-сон “Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 декабрдаги 972-сон “Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида фойдаланишдан чиққан ерларни фойдаланишга киритишни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий мамлакатларда хатарларни бошқариш тизимининг назарий-услубий асослари, молиявий-иқтисодий ва қиёсий таҳлиллари Ж.М.Кейнс, Ф.Х.Найт, Б.Хардакер, Г.Лиен, Ж.Андерсон, Р.Хуирне, Ж.Диллон, Б.Флейшер, Ж.Харвуд, К.Кобл, А.Комарек, С.Ндем, С.Осонду, К.Карадас, А.Биринки, ва Т.Брувер<sup>3</sup> каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшган МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари қаторига А.П.Альгин,

---

<sup>3</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. – М.: Гос. изд. Иностранной литературы, 1948. – С. 136-137.; Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль / Пер. с англ. – М.: Дело, 2003. – 360 с.; Hardaker J. B., Lien G., Anderson J., & Huirne R. Coping with Risk in Agriculture. Wallingford: CAB International, 2015.; Anderson R., Dillon J., Hardaker B. Agricultural Decision Analysis. Iowa: The Iowa State University Press, 1977.; Fleisher B. Agricultural risk management. Boulder, Colorado: Lynne Rienner Publishers Inc. 1990.; Harwood J., Heifner R., Coble K., Somwaru A., Perry J. (1999). Managing Risk in Farming: Concepts, Research, and Analysis. Market and Trade Economics Division and Resource Economics Division. Washington, DC 20036-5831: U.S. Department of Agriculture: Economic Research Service; Adam M. Komarek, Alessandro De Pinto, Vincent H. Smith. A review of types of risks in agriculture: What we know and what we need to know. Agricultural Systems 178 (2020) 102738 p. 1-10; Ndem C.N., Osondu C.K. Risk sources and management strategies among cassava farmers in Abia State, Nigeria. Scientific papers series management. Econ. Eng. Agric. Rural Dev. 18, 2018. pp. 267–276.; Harwood J.L., Heifner R., Coble K., Perry J., Somwaru A., Managing Risk in Farming: Concepts, Research, and Analysis. Agricultural Economic Report No.774. US Department of Agriculture, Economic Research Service, 1999 [Accessed June 1, 2017]. <https://www.ers.usda.gov/publications/pub-details/?pubid=40971>; Karadas K., Birinci A., Identification of risk factors affecting production of beekeeping farms and development of risk management strategies: a new approach. Rev. Bras. Zootec. 47. 2018.; Tom Brewer, Thi Tam Duong, Jo Luck and Kerstin Zander A Global Review of Farmers’ Perceptions of Agricultural Risks and Risk Management Strategies. Agriculture 2019, doi:10.3390/agriculture 9010010.

И.Т.Балабанов, П.Г.Грабовой, С.М.Васин, В.С.Шутов, Л.Н.Тэпман, М.Г.Лапуста, С.Ю.Янова, Т.Б.Юсупов, В.Л.Шпер, О.А.Фирсова, В.Н.Уродовских, Д.Ж.Уралова<sup>4</sup> ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги менежменти ва фермер хўжаликларини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Т.Ш.Шодиев, Н.Маҳмудов, А.Абдуғаниев, Б.Т.Салимов, Қ.А.Чориев, Н.С.Хушматов, М.С.Юсупов, Т.Х.Фармонов, Ш.А.Аллаяров, Г.Т.Самиева, Б.Х.Арзикулов<sup>5</sup> ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятида хатарларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертация тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929525 «Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятида хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>4</sup> Альгин А.П. Грани экономического риска / А.П. Альгин. – М.: Знание, 1991. – 63 с.; Балабанов И.Т. Риск менеджмент. Москва, «Финансы и Статистика», 1996 – 284 с.; Грабовой П.Г. Управление рисками в недвижимости : Учебник / П.Г. Грабовой – М.: Проспект, 2012. – 464 с.; Васин С.М., Шутов В.С. Управление рисками на предприятии: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2010. - 304 с.; Тэпман Л.Н. Риски в экономике. Учебное пособие для вузов / под ред. В.А. Швандара. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 380 с. Лапуста М.Г. Риски в предпринимательской деятельности. – М.: Дело и Сервис, 2009.; Янова С.Ю. Риск-ориентированный подход: новая парадигма регулирования и развития страхового рынка // Финансы. - 2018. - № 1. - С. 26-33.; Юсупов Т.Б. Система риск-менеджмент как обязательное условие реализации инновационных проектов // Экономика и предпринимательство. 2017. - № 9-4 (86). - С. 833-835; Шпер В.Л. Риски и их оценка // Методы менеджмента качества. 2016. - №1. – С. 56-57; Фирсова О.А. Управление рисками организаций // О.А. Фирсова. – М.: МОО Межрегиональная общественная организация Академия безопасности и выживания.- 2014.-226 с.; Уродовских В.Н. Управление рисками предприятия: учебное пособие / В.Н.Уродовских.-М.: Вузовский учебник, ИНФРА-М. - 2012. – 168 с.; Уралова Д.Ж. Сравнение зарубежного и российского опыта проведения финансового анализа и управления рисками // Молодой ученый. - 2016. - №7. – С. 1012-1017.

<sup>5</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 704 б.; Ғуломов С.С. Менежмент асослари. Ўқув кўлланма. – Т.: Шарқ нашриёт, 2002, - 368 б.; Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т. Риск менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2007 . – 256 с.; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. док. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1988. – 380 с; Махмудов Н. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўқув кўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012.; Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.; Салимов Б.Т., Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (Ўқув кўлланма). –Т.: ТДИУ, 2003 – 98 б.; Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Дехқон ва фермер хўжалиглари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 132 б.; Yusupov M.S. Qishloq xo`jaligi korxonalarini faoliyatini boshqarish: O`quv qo`llanma. – Т.: “Adabiyot jamg`armasi”, 2009. - 310 б.; Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.; Аллаяров Ш.А. Аграр сиёсатни амалга ошириш механизминини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2018 – 66 б.; Самиева Г.Т. Дехқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари. икт. фан. (PhD) дисс. автореф. – Т. 2019. – 56 б.; Арзикулов Б.Х. Пахтачиликда агротехник тадбирлар иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. икт. фан. (PhD) дисс. автореф. – Т. 2019. – 56 б.

иқтисодий фаолиятда вужудга келадиган хатарларнинг моҳиятини очиб бериш ва муаллифлик ёндашувини шакллантириш;

иқтисодий фаолиятда вужудга келадиган хатарларнинг турларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таснифлаш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг хатарларни бошқариш борасидаги илғор тажрибаларини Ўзбекистон шароитига мослаштириб фойдаланишдаги имкониятларини очиб бериш;

фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш асосида улар самарадорлигига таъсир қилувчи хатарларни аниқлаш;

фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятига таъсир этувчи хатарлар даражасини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатари таъсирини юмшатиш ва бошқаришнинг иқтисодий механизмларини тизимли таҳлил қилиш;

фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган вилояти фермер хўжаликлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятида юзага келадиган хатарларни бошқариш борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг диалектик ёндашуви, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, SWOT таҳлил, тизимли таҳлил ва эконометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш асосида пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги экинларини бошқа экинлар комбинацияси билан алмаштириш бўйича қўшимча имкониятлар асосланган;

қишлоқ хўжалигида хатарларни таъсир этиш даражаси ва кўлами бўйича бошқариш тизими асосида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини стратегик бошқаришда ҳар бир бошқарув бўғинининг аниқ вазифалари ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини вариациялаш асосида Наманган вилояти туманлари бўйича хатар даражасининг пасайиши асосланган;

ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хавфсиз усуллари танлаш асосида фермер хўжаликларида ҳосилдорлик хатарининг салбий оқибатларини камайштириш механизми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи хатарларнинг турлари ва юзага келиш соҳалари таснифлаштирилган;



ишлаб чиқаришнинг агротехник хусусиятлари ўртасидаги ўхшашликни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларида хатарларни бошқаришда худудий жиҳатдан ёндашув зарурлиги асосланган;

асосий экинлар турлари ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляцион боғланишни аниқлаш асосида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини диверсификациялаш таклифи асосланган;

сўровнома асосида фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи хатарлар аниқлаштирилган, уларнинг таъсир даражаси респондентлар томонидан берилган баллар асосида баҳоланган ва гуруҳлаштирилган;

фермер хўжаликлари фаолиятида нархлар диспаратетини камайтириш асосида хатарлар таъсирини юмшатиш механизми таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги статистик маълумотларни расмий манбалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг статистик маълумотларидан олинганлиги, иқтисодий таҳлиллар назарий-услубий жиҳатдан асосланганлиги, илмий натижалар миллий ва халқаро даражадаги конференцияларда апробациядан ўтказилганлиги, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулоса ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни фермер хўжаликлари фаолиятида хатарларни бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини, мамлакатда фермерчилик йўналишини янада ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодий фаолиятда хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш асосида пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги экинларини бошқа экинлар комбинацияси билан алмаштиришнинг қўшимча имкониятлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 05/034-2102-сон маълумотномаси). Натижада Наманган вилоятининг пахта ва буғдой ҳосилдорлиги нисбатан зич корреляцияланган Мингбулоқ, Чуст ва Поп туманларидаги фермер хўжаликларида экинларни етиштиришнинг оптимал

комбинациялари такомиллаштирилган ҳолда буғдойдан кейин бўшаган 3,7 минг гектар экин майдонларида кўк озуқа экинларини етиштириш йўлга қўйилган. Косонсой туманидаги фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ҳамда ҳосилдорлик паст бўлган экин майдонлари ўрнида тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли ва мойли экинлар етиштириш бўйича кўшимча имкониятлар ишлаб чиқаришга жалб этилган, шунингдек амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида экинларни суғоришда сув истеъмоли, фермер хўжаликларида иш ҳақи ва моддий сарф-харажатларни тежалишига эришилган;

қишлоқ хўжалигида хатарларни таъсир этиш даражаси ва кўлами бўйича бошқариш тизими асосида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини стратегик бошқаришда ҳар бир бошқарув бўғинининг аниқ вазифалари юзасидан таклифи Наманган вилояти фермер хўжаликлари фаолиятига бевосита таъсир этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва бошқа институтцинал тузилмалар фаолиятида фойдаланилган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 05/034-2102-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида Наманган вилоятида 2019 йилда минерал ўғитлар билан таъминланганлик даражаси ўтган йилга нисбатан 32 фоиз, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланганлик 15 фоизга ошган, сув таъминотидаги тақчиллик 20 фоизга қисқарган;

фермер хўжаликларида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини вариациялаш асосида Наманган вилояти туманлари бўйича хатар даражасининг пасайиши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 05/034-2102-сон маълумотномаси). Натижада пахта ва ғалла ҳосилдорлиги вариация даражалари юқори бўлган туманлардаги фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарлари таъсирини юмшатиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилиб, Наманган вилоятида буғдой ҳосилдорлиги вариация даражаси 2019 йилда 29,8 фоизга, пахта ҳосилдорлиги бўйича 2019 йилда 31,2 фоизга камайишига эришилган;

ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хавфсиз усулларини танлаш асосида фермер хўжаликларида ҳосилдорлик хатарининг салбий оқибатларини камайтириш механизмини такомиллаштириш юзасидан берган таклифи Наманган вилояти Чуст, Косонсой ва Поп туманлари шароитида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 05/034-2102-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида Наманган вилояти Чуст, Косонсой ва Поп туманларида ер шароити ва сув таъминоти оғир, паст рентабелли, охирги уч йилда пахта ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига рентабеллиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш йўлга қўйилиб, вилоятда пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан

юқори бўлган фермер хўжаликларининг салмоғи ортган ва 2019 йилда 45,1 фоизга етган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола, шундан 3 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий фаолиятда хатарларни бошқариш тизимининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий фаолиятга хос хатарлар ва уларга таъсир этувчи омиллар, тадбиркорлик хатарининг вужудга келиши сабаблари ва манбалари, иқтисодий хатарларни бошқаришнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари ўрганилган.

Хатарлар иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида юзага келиб, уларни самарали бошқариш долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, бозор муносабатлари чуқурлашуви шароитида иқтисодий хатарларнинг кўлами ва таъсири янада ортиб, уларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Замонавий шароитда “хатар” тушунчаси илм-фан ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Айни пайтда унинг мазмуни ва моҳиятини ифодалаб берувчи турли ёндашувлар пайдо бўлди (1-жадвал).

“Хатар” тушунчасига берилган таърифлар бир-бирини мазмунан тўлдириб, унинг кенг маъноли илмий категория эканлигини ифода этади. Хатар иқтисодий категория сифатида белгиланган мақсадлардан оғиш, режалаштирилган миқдорда даромад олмаслик, зарар кўриш ёки ижобий натижага эришиш эҳтимоллигини юзага келтирувчи омиллар мажмуаси сифатида ифодаланади.

Тадқиқотда “хатар” тушунчасига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Жумладан: “Хатар – бу муваффақиятли хўжалик фаолиятини амалга оширишга салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиб, корхонанинг моддий, молиявий ресурслари ва даромадининг тўлиқ ёки қисман йўқотилишига олиб келадиган табиий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий омиллар ва ҳодисалар мажмуаси ҳамда уларнинг содир бўлиш эҳтимоли”дир.

1-жадвал

### Хатарларни таърифлашда иқтисодчи олимларнинг қарашлари<sup>6</sup>

Ёндашувлар	Таърифларнинг мазмуни
<b>Ноаниқлик</b> (В.М. Усоскин, К.Пасс, Б.Лоуз, Л.Дэвис)	Хатар доимо ноаниқлик билан боғлиқ ҳолда ижобий ёки салбий натижаларга олиб келади. Ноаниқлик иқтисодий фаолият натижасида активлар ёки инвестициялардан йўқотишларни ифодалайди.
<b>Эҳтимоллик</b> (Е.М.Стойнова, П.Г.Грабовый, Д.С.Қосимова)	Режалаштиришган даражада даромад ололмаслик натижасида корхона ўз ресурсларининг бир қисмини йўқотиши, кўшимча харажатларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли
<b>Фаолият</b> (А.П. Альгин, Ш.А.Турсунов)	Муқаррар танлов асосида, келгусидаги вазият ноаниқ бўлган шароитда, пировард ижобий натижага эришиш мақсадида мол-мулк ёки даромаддан маҳрум бўлиш хавфи билан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти
<b>Миқдорий ўлчов</b> (В.Т. Севрук, В.В. Ковалёв)	Зарар кўриш ёки даромадни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимолларнинг миқдорий ўлчами
<b>Ноаниқ вазият</b> (Ш.Р.Қобилов)	Бозор конъюнктураси ҳақидаги ахборотлар асимметрияси сабабли реал вазиятни тўлиқ акс эттирмаклик натижаси
<b>Ҳодиса</b> (Н.В. Хохлов, В.Н. Вяткин)	Иқтисодий фаолият субъекти ҳолатига бевосита таъсир этувчи тасодифий ёки бир-бири билан боғланган ҳодисалар гуруҳи
<b>Четланиш</b> (М.В. Грачёва, Т. Бачкал)	Кўзланган ёки энг мақбул натижадан, самарадорлик кўрсаткичидан четланиш

Хатарларни бошқаришда уларнинг нафақат салбий жиҳатларини, балки кўшимча имкониятлар манбаси сифатида ижобий томонларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шунингдек, корхона бошқарувида хатарларнинг таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, балки мавжуд хатарлар шароитида энг яхши натижага эришиш имкониятларини излаш мақсадга мувофиқ.

Амалиётда хатарларни батамом бартараф этишнинг деярли имкони йўқ. Аксинча, уларнинг таъсирини максимал даражада юмшатиш асосида бошқариш мумкин. Бундай вазият фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолиятида, айнан ишлаб чиқариш ва бозор хатари билан боғлиқ ҳолатларда яққол кузатилади. Шу боис, улар олдида ягона йўл, яъни хатар ва даромад ўртасидаги нисбатнинг энг мақбул даражасига эришиш вазифаси туради. Чунки, хатарларни самарали бошқариш фермер хўжаликлари иқтисодий

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

фаолияти жараёни узлуксизлигини ва барқарор даромад олиш имконини таъминлайди.

Аграр ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг изчил ривожланишига эришиш, улар иқтисодий фаолиятида бозор механизмларини жорий этишда хатарларни бошқаришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш жуда муҳимдир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалигининг барқарор фаолият юритиши кўп ҳолатда хўжалик фаолиятининг қай даражада хатарларга мослашувчанлигига боғлиқ бўлади. Хатарлар ноаниқлик ёки кўнгилсиз ҳодисалар туфайли юзага келиши мумкин бўлган йўқотиш ёки зарар кўриш хавфи бўлганлиги боис, фермер хўжаликларида улар ишлаб чиқариш, бозор ва молиявий фаолиятда вужудга келади ҳамда фермер хўжаликларининг мол-мулкига, маҳсулотига ва даромадига жисмоний ёки молиявий кўринишда зарар етказилади. Шунинг учун фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келадиган хатарларнинг табиатини тадқиқ этиш, уларнинг таъсир даражасини аниқлаш, таснифлаш ва юмшатиш чораларини кўриш муҳим вазифа ҳисобланади.

Иқтисодий фаолиятда хатарларни таҳлил этиш фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги бевосита хатарларни вужудга келтирадиган омиллар таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бу омилларга қуйидагилар киради: табиий офатлар (курғоқчилик, дўл, ноқулай об-ҳаво шароити); тупроқ унумдорлигининг пасайиши; қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг эскирганлиги; зарар кўриб ишлайдиган фермер хўжаликлари сонининг ортиб бориши; фермер хўжаликларида айланма маблағларнинг доимий етишмовчилиги; фойдаланиладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сифатининг пастлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган саноат ресурслари нархларининг (монопол) юқорилиги; қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги диспаритет; тармоқда иш ҳақининг нисбатан паст даражаси; қишлоқ ҳудудларида аҳоли харид қобилиятининг пастлиги; глобал иқлим ўзгариши, техноген авариялар, пандемия шароити ва бошқалар.

Хатарларни бошқаришга оид илмий адабиётларда<sup>7</sup> фермер хўжаликларида хатарнинг 5 асосий манбалари ажратишиб кўрсатилади. Булар: ишлаб чиқариш, маркетинг (нарх ёки бозор), институционал, персонал (инсон омили билан боғлиқ) ва молиявий хатарлардир.


Ж.Б.Хардакер ва бошқалар қишлоқ хўжалигида хатарларнинг икки асосий турларини ажратиб кўрсатадилар: 1) тадбиркорлик хатари, унга ишлаб чиқариш, бозор, институционал ва шахс билан боғлиқ хатарларни киритадилар; 2) фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг турли

---

<sup>7</sup> Hardaker J. B., Huirne R. B. M., Anderson J. R. (1997): Coping with Risk in Agriculture. Wallingford, CAB International; Boehlje M. D., Trede, L. D. (1977): Risk Management Agriculture, Journal of American Society of Farm Management, Rural Appraisers, Vol. 41, pp. 20-27; Fleischer B. (1990): Agricultural Risk Management, Boulder & London, Lynne Rienner Publishers.

ушуллари натижасида вужудга келадиган молиявий хатарларни фарклайдилар<sup>8</sup>.

Демак, фермер хўжаликларида хатарларнинг юзага келиш соҳалари ва уларнинг манбаларини шартли равишда беш асосий йўналишда туркумлаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Фермер хўжаликларида хатарларни юзага келиш соҳалари ва манбалари<sup>9</sup>.**

Хорижий мамлакатларда иқтисодий фаолиятда юзага келадиган хатарларни бошқариш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, фермер хўжалиklarини табиий ва иқтисодий хатарлардан кафолатли ҳимоя қилиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурлар доимий равишда аграр соҳада давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон аграр ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш масаласига бундай жиддий эътиборнинг қаратилиши, биринчи навбатда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш зарурати билан изоҳланса, фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришининг табиий-иқлим ва тупроқ шароитига нисбатан юқори даражада боғлиқлиги уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектлари каби юқори самарадорлик билан фаолият олиб бора олмаслигини ифода этади.

Халқаро амалиёт фермер хўжаликларида хатарларни бошқаришда суғурта механизмининг давлат-хусусий шериклик (PPP – Public-Private Partnership) шаклидаги самарали моделларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатди (2-жадвал).

Давлат-хусусий шериклик моделида давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида хатарларни суғурталашда суғурта муносабатларининг уч субъекти: фермер хўжалиги, суғурта компанияси ва давлат иштироки таъминланади.

<sup>8</sup> Hardaker J.B., Lien G., Anderson J.R., Huirne R. Coping with Risk in Agriculture. 3rd edition : Applied Decision Analysis. Wallingford, UK: CAB International. - ISBN 9781780645742. pp. 5-6.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Фермер хўжаликларида хатарларни суғурталашнинг давлат-хусусий шериклик (PPP – Public-Private Partnership) моделлари<sup>10</sup>**

Модел	Моделларнинг мазмуни	Моделнинг афзалликлари	Моделнинг камчиликлари
АҚШ	Давлат ва хусусий сектор ўртасида максамал даражада самарали муносабатларни ўрнатиб	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурта қилишда давлат органларининг фаол иштироки; фермер хўжаликларида суғуртага қилинадиган харажатларни камайтириш, уларни оммавий тарзда суғурталаш мақсадида давлат томонидан суғурта мукофотларини тўлашда субсидиялар бериш; агросуғурта хизматларини таклиф этишда хусусий суғурта компанияларининг фаол иштироки; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини турли хатарлардан юқори даражада ҳимояланганлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва суғурта компаниялари ўртасида шаффоф муносабатларнинг ўрнатилганлиги; суғурта хизматларини доимий такомиллаштириб бориш асосида мамлакатда қишлоқ хўжалиги суғурта тизимини узлуксиз ривожлантириш.	Давлат бошқаруви харажатларининг юқорилиги; суғурта компаниялари даромадларининг чекланганлиги.
Канада, Исроил	Давлатнинг юқори даражадаги иштироки	Фермер хўжаликларида суғуртага қилинадиган харажатларни камайтириш, мамлакатда суғурта кўламини ошириш мақсадида давлат томонидан суғурта мукофотларини тўлашда субсидиялар бериш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ҳалокатли хатарлардан ҳимояланганлиги; мамлакатда агросуғурта тизимини узлуксиз ва режали асосда ривожлантириш.	Давлат бошқаруви харажатларининг юқорилиги; хусусий суғурта компаниялари даромадларининг чекланганлиги.
Испания, Туркия	Агросуғуртани суғурта уюшмалари орқали амалга ошириш	Суғурталовчи, суғурталанувчи ва давлат ўртасида ўзаро самарали муносабатларнинг ўрнатилганлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ҳалокатли хатарлардан ҳимояланганлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини уюшмаларга аъзолиги асосида қишлоқ хўжалиги хатарларини суғурта қилиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда уларнинг фаол иштироки.	Давлат бошқаруви харажатларининг юқорилиги; агросуғурта хизматлари уюшмалар томонидан бошқарилганлиги сабабли хусусий сектор ролининг сустлиги.
Австрия, Швейцария	Мамлакатда ягона суғурта компаниясининг фаолият юритиши	Ихтисослашган ягона суғурта компаниясини ташкил этиш асосида сифатли суғурта хизматларини амалга ошириш; фермер хўжаликларида давлат (маҳаллий ҳокимият) томонидан суғурта мукофотларини тўлашда субсидиялар бериш; экинлар ҳосилдорлиги бўйича шаффоф статистик маълумотларни тақдим этган тақдирда фермер хўжаликларида суғурта полисларини олишда чегирмалар бериш.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини табиий офатлардан юқори даражада ҳимояланмаганлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини субсидияли суғурта қилишда қатъий қоидаларнинг амал қилиши.
Германия	Суғурта қилишда давлатнинг минимал иштироки	Давлат бошқаруви харажатларининг нисбатан камлиги; хусусий суғурта хизматларининг ривожланганлиги.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини табиий офатлардан тўлиқ ҳимояланмаганлиги; ҳосилни йўқотиш билан боғлиқ зарарларни қоплашда давлат ёрдамнинг йўқлиги; хатарларни суғурталашда субсидиялаш дастурларининг йўқлиги сабабли суғурта хизматлари нархининг юқорилиги; агросуғурта тизимини ривожлантириш имкониятларининг чекланганлиги.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида ушбу моделнинг 5 турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар: 1) АҚШ; 2) Канада, Исроил; 3) Испания, Туркия; 4) Австрия, Швейцария ва 5) Германия моделларидир. Ушбу моделларда (Германия моделидан ташқари) давлат етакчи ҳисобланиб, мазкур муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлайди. Мавжуд хориж амалиётини ўрганиш ҳар бир давлатда фермер

<sup>10</sup> Кричевская Л. Международный опыт частно-государственного партнерства и государственной поддержки в агростраховании. <http://agroinsurance.com/ru/29980/>

хўжаликлариди хатарларни бошқариш механизмининг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш маданияти билан мос равишда шаклланиши ва ривожланишини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Наманган вилояти фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятида хатарларни бошқариш таҳлили”** номли иккинчи бобида Наманган вилояти фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти, хатарларни бошқариш ва баҳолаш механизми таҳлил этилган, хатарларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар аниқланган.

Қишлоқ хўжалиги Наманган вилояти ҳудудий иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга. Вилоятда 2019 йилда 15,5 трлн. сўм ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ишлаб чиқарилиб, 2018 йилга нисбатан 102,7 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида деҳқончилик маҳсулотлари 57,1 фоиз, чорвачилик маҳсулотлари 42,9 фоизни, хўжаликлар тоифалари кесимида фермер хўжаликлари 27,5 фоиз, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар 70,3 фоиз ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 2,2 фоизни ташкил этди<sup>11</sup>. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси юқори бўлиб, 2020 йилда улар томонидан 372,6 минг тонна буғдой, 197,6 минг тонна пахта ҳам ашёси, 69,7 минг тонна картошка, 238,1 минг тонна сабзавотлар, 32,3 минг тонна озуқабоп полиз, 129,8 минг тонна мева ва резаворлар етиштирилган. Вилоятда мазкур йилда етиштирилган буғдойнинг 88,7 фоизи, пахта хомашёсининг 93,4 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Маълумки, фермер хўжаликлариди ишлаб чиқариш жараёни турли даражадаги хатарлар таъсирида амалга ошади. Бу аввало, уни очик майдонларда бевосита об-ҳаво, иқлим ва тупроқ шароитига боғлиқ ҳолда юритилиши билан изоҳланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифининг бозор нархлари ўзгаришига нисбатан ноэластиклиги фермер хўжаликлариди бозор ёки нарх билан боғлиқ хатарларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ҳосилнинг пишиб этилган палласида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг кескин тушиб кетиши, йиғим-терим вақтида ишчи кучининг етишмаслиги, энг зарур пайтда қишлоқ хўжалиги машиналари ва воситаларининг ишдан чиқиши ёки ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг танқислиги натижасида уларни эксплуатация қилиш имконининг чекланиши, чорва ҳайвонларининг турли касалликларга чалиниши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базада кўзда тутилмаган жиддий ўзгаришлар фермер хўжаликлари фаолиятида хатарларни юзага келишининг асосий манбалари ҳисобланади.

Олиб борилган таҳлиллар, Наманган вилоятида 2009-2020 йилларда фермер хўжаликлариди етиштирилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан буғдой экини ҳосилдорлик кўрсаткичларининг нобарқарор эканлиги акс этган (3-жадвал).

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти



**Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2009-2020 йилларда  
етиштирилган буғдой ҳосилдорлигининг ҳудудлар бўйича  
кўрсаткичлари (ц/га)<sup>12</sup>**

т/р	Туманлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1	Мингбулок	42,3	42,3	42,0	42,3	43,6	45,4	46,3	46,9	55,7	59,6	61,4	61,3
2	Косонсой	46,2	48,0	39,2	39,1	44,1	44,9	45,4	46,1	56,1	52,3	56,4	40,2
3	Наманган	62,3	62,5	62,6	63,2	63,1	64,3	64,9	66,6	71,5	75,6	67,0	65,3
4	Норин	66,0	65,8	66,2	67,2	66,0	69,7	72,3	73,6	77,4	72,9	68,8	65,7
5	Поп	38,3	39,4	34,9	35,6	37,3	40,9	41,4	42,0	57,9	57,5	67,3	58,4
6	Тўрақўрғон	52,1	59,7	58,9	59,4	55,1	56,9	59,7	61,1	63,8	67,8	68,2	62,0
7	Уйчи	53,8	57,3	54,5	54,4	54,8	57,9	60,3	61,5	69,2	67,5	63,5	63,6
8	Учкўрғон	63,2	67,2	67,5	67,6	70,9	66,3	67,4	69,7	78,2	77,5	73,3	69,1
9	Чортоқ	47,4	47,4	49,5	50,1	51,4	52,5	53,8	54,4	69,4	55,7	64,0	34,1
10	Чуст	40,1	42,5	39,0	38,9	40,1	41,1	42,0	42,5	53,1	54,1	65,1	56,2
11	Янгиқўрғон	35,3	38,1	43,5	52,9	45,2	47,3	48,9	49,5	49,3	51,4	52,1	27,3
	Вилоят бўйича	<b>47,6</b>	<b>49,3</b>	<b>47,9</b>	<b>48,8</b>	<b>49,5</b>	<b>51,2</b>	<b>52,3</b>	<b>53,3</b>	<b>61,9</b>	<b>61,6</b>	<b>64,2</b>	<b>56,0</b>

Ҳосилдорликка таъсир этувчи хатарларни миқдорий баҳолаш мақсадида Наманган вилоятида 1997-2020 йилларда етиштирилган кузги буғдой экини ҳосилдорлигига таъсир этувчи табиий омиллар (максимал, минимал ва ўртача ҳарорат даражалари ҳамда ёғин миқдори)нинг регрессия модели (1.1) тузилди:

$$\ln(y) = 2,62 - 0,47x_1 - 0,68x_2 + 1,18x_3 + 0,19\ln x_4 \quad (1.1)$$

Бу ерда:  $y$  – буғдой ҳосилдорлиги, ц/га;  $x_1$  – максимал ҳарорат, °C;  $x_2$  – минимал ҳарорат, °C;  $x_3$  – ўртача ҳарорат, °C;  $x_4$  – ёғин миқдори, мм.

Регрессия модели кузги буғдой экини ҳосилдорлигига таъсир этувчи табиий омиллар 87,7 фоизга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Регрессия модели кузги буғдой ҳосилдорлигининг ошишига вегетация давридаги ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори ижобий таъсир этиши акс этган (4-жадвал).

4-жадвал

**Наманган вилоятида 1997-2020 йилларда етиштирилган кузги буғдой  
ҳосилдорлиги регрессия таҳлили натижалари<sup>13</sup>**

<i>Регрессион статистика</i>		
Боғланиш зичлиги R	0,936569103	
R-квадрат	0,877161684	
Меъёрлашган R-квадрат	0,851300986	
Кузатишлар	24	
	<i>Кoeffициентлар</i>	<i>P-муҳимлилик</i>
Ҳ-кесишиш	2,619686319	0,000000863
Максимал ҳарорат	-0,468177618	0,000000028
Минимал ҳарорат	-0,677748526	0,000000007
Ўртача ҳарорат	1,183692480	0,000000001
Ёғин миқдори	0,188336067	0,002785809

<sup>12</sup> Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, кузги буғдойни етиштиришда табиий омилларнинг таъсири кучли бўлиб, вилоятнинг қишлоқ хўжалигини юритиш учун ноқулай бўлган Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида буғдой етиштиришда юқори ҳосилдорликни таъминлаш қийин вазифа ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари энг жиддий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш хатари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига кучли таъсир этади. Бу турдаги хатар катта ҳудудларни қамраб олган ҳолда бир вақтнинг ўзида, юқори даражадаги боғлиқлик билан аксарият хўжаликларда ҳосилдорликнинг пасайишига ёки экинларнинг нобуд бўлишига, хўжаликлар даромадларининг камайишига олиб келади.

Ҳосилдорликнинг бундай тарзда тебранишининг асосий сабаблари ишлаб чиқариш хатари таъсири натижаси эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, фермер хўжаликлари фаолиятида нарх билан боғлиқ хатарнинг таъсири ҳам юқори бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари тебраниши натижасида юзага келади. Демак, фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятида икки асосий ўзгарувчилар, яъни ҳосилдорлик ва нархнинг тебраниши улар фаолиятида хатарларни миқдорий ифодалашнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2000-2020 йилларда етиштирилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан буғдой экини ҳосилдорлиги кўрсаткичлари корреляция таҳлили вилоят туманлари ўртасида турли даражадаги боғланиш мавжудлигини кўрсатди (5-жадвал).

Табиий-иқлим, тупроқ шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги, ҳудудларнинг сув билан таъминланганлик даражаси ҳамда географик жойлашуви билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ҳудудлар ўртасида турли даражадаги боғланишни юзага келтиради. Таҳлиллар вилоятнинг Чуст ва Поп, Чуст ва Мингбулоқ, Уйчи ва Наманган каби туманлар ўртасида буғдой экини ҳосилдорлик кўрсаткичларининг нисбатан энг зич боғланганлигини, мазкур ҳудудларда ушбу қишлоқ хўжалиги экинини етиштиришнинг агротехник хусусиятларини бир-бирига жуда яқин эканлигини ифода этади. Бу ҳолат ушбу туманларда ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари таъсирида умумий хусусият мавжудлигини ифодалаб, уни бошқаришда ягона стратегик ёндашувни талаб этади.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб етиштириш фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш хатарини юмшатишнинг самарали усулларида бири сифатида эътироф этилади. Фермер хўжаликларида алмашлаб етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида номутаносиб (тесқари) корреляцион боғланиш асосида экинларни диверсификациялаш ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатарини юмшатишга ва фермер хўжаликлари даромадларини барқарорлаштиришга имкон беради. Экинлар ҳосилдорлиги ўртасида тўғри корреляцион боғланишга эришиш

мавсумда ҳар бир экин турларидан юқори ҳосил олиш асосида фермер хўжаликлари даромадларининг ортишига шарт-шароит яратади. Бирок, бундай корреляцион боғланиш уларни бир туркумга хос бўлган хатарлар таъсири хавфи остига қўяди.

5-жадвал

**Наманган вилояти туманларини буғдой экини ҳосилдорлик кўрсаткичларининг корреляцион боғланиш коэффициентлари бўйича гуруҳланиши<sup>14</sup>**


№	Туманлар	Вилоят туманларини корреляцион боғланиши бўйича таснифи			
		Кучсиз боғланиш (0,1 ÷ 0,3)	Ўртача боғланиш (0,3 ÷ 0,65)	Ўртачадан зичроқ боғланиш (0,65 ÷ 0,80)	Зич боғланиш (0,80 ÷ 0,99)
1.	Мингбулоқ тумани	Янгиқўрғон	Учқўрғон, Тўрақўрғон, Чортоқ	Норин, Косонсой, Наманган	Уйчи, Поп, Чуст
2.	Косонсой тумани	-	Янгиқўрғон, Учқўрғон, Тўрақўрғон,	Уйчи, Норин, Наманган, Поп, Чуст, Мингбулоқ	Чортоқ
3.	Наманган тумани	-	Янгиқўрғон, Чортоқ,	Норин, Учқўрғон, Косонсой, Тўрақўрғон, Поп, Чуст, Мингбулоқ	Уйчи
4.	Норин тумани	-	Учқўрғон, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Поп, Чуст, Косонсой, Наманган,	Чортоқ, Мингбулоқ,	Уйчи
5.	Поп тумани	Янгиқўрғон	Учқўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғон, Норин	Наманган, Косонсой	Уйчи, Мингбулоқ, Чуст
6.	Тўрақўрғон тумани	Чортоқ, Янгиқўрғон	Косонсой, Норин, Мингбулоқ, Поп, Чуст	Уйчи, Наманган, Учқўрғон	-
7.	Уйчи тумани	-	Янгиқўрғон, Чортоқ	Учқўрғон, Косонсой, Тўрақўрғон	Поп, Норин, Мингбулоқ, Чуст, Наманган,
8.	Учқўрғон тумани	Чортоқ	Косонсой, Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Норин, Чуст	Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон	-
9.	Чортоқ тумани	Учқўрғон, Тўрақўрғон,	Уйчи, Янгиқўрғон, Поп, Чуст, Наманган	Мингбулоқ, Норин	Косонсой
10.	Чуст тумани	Янгиқўрғон	Учқўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғон, Норин	Наманган, Косонсой	Уйчи, Мингбулоқ, Поп
11.	Янгиқўрғон тумани	Мингбулоқ, Чуст, Поп	Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи, Учқўрғон, Наманган, Норин, Чортоқ	-	-

Таҳлиллар Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой экинлари ҳосилдорлиги корреляция таҳлили ушбу экинлар ҳосилдорлиги ўртасида турли даражадаги боғланиш мавжудлигини кўрсатди (2-расм).

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида тўғри (зич) корреляцион боғланиш вилоят фермер хўжаликларида маълум бир мавсумда ҳар икки экин турларидан бирдек юқори ҳосил олиш ва ўз даромадларини

<sup>14</sup> Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

оширишга имкон берса-да, мавсум (масалан, об-ҳаво шароити) оғир келган йилларда улардан бирдек кам ҳосил олиш каби ишлаб чиқариш хатарини юзага келтиради. Демак, экинлар ҳосилдорлиги ўртасида тўғри (мусбат) корреляцион боғланиш фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш етарли даражада диверсификациялашмаганлигини, бундай боғланишга мансуб туманлардаги фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш усуллари тақомиллаштириш зарурлигини ифода этади.



## 2-расм. Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2000-2020 йилларда етиштирилган пахта ва буғдой экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг корреляция коэффицентлари<sup>15</sup>

Амалиётда ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) ва нарх билан боғлиқ хатарларни тадқиқ этишда алоҳида олинган фермер хўжаликларининг статистик кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқилган вариация коэффицентларидан фойдаланилади. Наманган вилоятида 2018-2020 йилларда фермер хўжаликларида етиштирилган пахта ва буғдой экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаб чиқилган вариация коэффицентлари вилоятнинг ҳар бир тумани кесимида мазкур қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш билан боғлиқ ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари даражаларини баҳолаш имконини берди (6-жадвал).

Диссертациянинг “Фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатувчи иқтисодий хатарлар баҳоланган, хатарларни бошқариш бўйича йўналишлар таклиф этилган.

Маълумки, аграр тармоқда хатарлар барча тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этади. Хатарларнинг таъсир этиш даражаси ва кўламини эътиборга олиб, уларни бошқариш тизимини қуйи, ўрта ва юқори бўғинларга ажратиш асосида ёндашиш мақсадга мувофиқ.

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Наманган вилояти туманларини буғдой ва пахта ҳосилдорлик кўрсаткичларининг вариация даражалари бўйича гуруҳланиши<sup>16</sup>**

Вариация даражаси	Буғдой ҳосилдорлиги бўйича	Пахта ҳосилдорлиги бўйича
Кучсиз тебранувчанлик (10 фоизгача)	Учкўрғон тумани (8,1%)	-
